



ФАРҶОНА ХАЛҚ ТЕАТРЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ МАСАЛАСИГА ДОИР

Мавлудахон Мамасодиқовна Нажметдинова

Фарғона давлат универститети,

Санъатшунослик факультети катта ўқитувчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8313599>

ARTICLE INFO

Received: 23th August 2023

Accepted: 30th August 2023

Online: 31th August 2023

KEY WORDS

Театр, қизиқчи, раққос,
аския, масхарабозлик,
маданият, драма, кўшиқ,
кулги ва ҳажв санъати.

ABSTRACT

Мазкур мақолада Марказий Осиёнинг гўзал водийларидан бўлган Фарғонада халқ театри шаклланиши ва унинг ривожланиш тарихи, Шунингдек, халқ театрига асос солган Зокир Эшон, Мулла Нормат, Саъди Махсум ва Юсуфжон қизиқ Шакаржоновнинг фаолиятлари атрофлича таҳлил қилинади.

Кириш. Фарғона халқ профессионал театри XIX асрнинг хонлик даврида ўзига хос ижодий қиёфа ва мактабга, уюшма ва қонуниятга, тараққиёт ва кўп йиллик тарихга эга бўлган. Унинг истеъдодли намояндалари ҳисобланган масхарабоз ва қизиқчилар меҳнаткаш халқ орасидан етишиб чиққан бўлиб, ҳар доим уларнинг манфаатини ҳимоя қилганлар, сатирадан найза қилиб, синфий душманларига қарши курашганлар, уларнинг мурод ва тилаklarини ифода этганлар, уларга кулги, завқ, руҳий соғломлик, журъат, кескинлик бағишлаб келганлар. Масхарабозлик ва қизиқчиликлар халқни ижтимоий тартиб ва шароитлар устида хаёл суриш, бош қотиришга ундаган, фирибгарликка қарши курашишга даъват этган.

Фарғона анъанавий халқ театри қизиқчилари ижодий фаолиятига ўз даврда халқ театр санъатининг устаси бўлган Зокир Эшон раҳбарлик қилган. Зокир Эшон ўлимидан сўнг бу труппанинг ишини Мулла Нормат (1849-1919) давом эттиради. У ўзининг Кўқон шаҳрида асос солган труппасига Рўзиқов қизиқ, Хасан қизиқ Эсонов, Исмоил Хўроз, Абдуқодир Махсум, Бойбува Кўса, Хайдар Гўлахи, Йўлдош Оғиз, Лум-Лум Мамажон (Мухаммад Қундузов) Азим бола, Боймат қизиқ, Шомат қизиқларни ишга олади. Мулла Нормат Зокир Эшон анъаналарини давом эттиришга интилиб, намойишларни ижтимоий чиқишларга йўналтиради. Бой репертурга эга бўлган Мулла Нормат иқтидорли актёр сифатида кўплаб қизиқчиларга намуна бўлиб хизмат қилган ва бутун кучини труппани мустаҳкамлашга қаратган.

Такидлаганимиздек, Фарғона театри профессионал халқ театридир. Унда мустаҳкам қонун ва қоидаларга эга бўлган уюшманинг бўлишигина эмас, асрлар давомида вужудга келиб, тобланган ва етилган комедиялар, образлар, ижрочилик, тасвирий услуб ва воситаларнинг қатъийлиги ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Асосий қисм. Фарғона водийсида масхарабозлик ва қизиқчиликни устозга шогирд тушиб ўрганганлар. Устозлар, тажрибали актёрлар бўлиб, ўзининг донолиги,



ҳозиржавоблиги ва тақлидчилиги билан ҳаммани қойил қолдирган ўспирин ҳаваскорларни ўзларига шогирд қилиб олганлар ва узоқ йиллар давомида уларга кулги ва ҳажв санъати “сир”ларини ўргатиб келганлар.

Масхарабоз ва қизиқчи тарбиялаб етиштиришда икки хил услуб ҳукм сурган. Бир хил устозлар ўз шогирдларини бирга олиб юриб, аҳён-аҳёнда айрим кичик ролларни ишониб топширсалар-да, уларга дарс ўтишмаган, машқ қилдирмаганлар, баъзан-баъзан қисқа тушунтирув ишларини олиб борганлар, таъриф, маслаҳат, огоҳлантиш ва маъқуллаш билан чекланганлар.

Шогирдлар асосан устозлари ва бошқа йирик артистларнинг ўйини ва ҳаракатларини кузатиш, синчковлик билан ўрганиш, (рамз қилиш, кўзни пишитиш, бетни қотириш) репертуарини ўзлаштириш йўлидан борганлар. Бир тоифа устозлар эса алоҳида вақт ажратиб шогирдлари билан маълум тартиб ва интизом асосида иш юритганлар. Бунга Юсуфжон қизиқ Шакаржоновнинг устози Саъди Махсум услубини мисол сифатида кўрсатиш мумкин. Саъди Махсум (1825-1899) Марғилон шаҳрининг қадимги етакчи қизиқчиларидан бири бўлган¹.

Саъди Махсум шогирдларига биринчи навбатда маълум ҳажвбоп кишиларни муқаллид қилишни, қуш ва ҳайвон ҳаракатлари, товушларига тақлид қилишни буюрган. У шогирдларидан кузатувчилик, кулгили ҳолат ва ҳаракатларни кўра билиш, эса сақлаб қолиш, фикрлаш, фантазия қила олиш ва бўрттириб гавдалантира олиш қобилияти ривожлантиришни талаб қилган. Шогирд тақлидга чаққон бўлгандан кейин устоз унга айрим лирик ва ҳажвий ўйинларни ўргатган. Муқаллид ва ўйинга, ҳаракат ва мимикага ўргатиш Саъди Махсум мактабининг биринчи даврини ташкил қилади. Иккинчи даврда эса шогирдларни бадиий сўзда чечан ва ҳозиржавоб бўлишга, кулгили ҳикоялар тўқиб айтишга, аскиябозликка ўргатишдан бошланган. Шогирд ҳам ҳаракатда, ҳам сўзда қониқарли даражага эришгач, комедия ўйнашга ўтган. Шогирддан ҳаракатдаги репертуарни мукамал ўрганиб олиш, истаган комедияда ҳар қандай ролни ўйнай олиш талаб қилинган.

Саъди Махсум машқ – репетицияларни гоҳ тушунтириш, англантиш, гоҳ кўрсатиш, гавдалантириш билан олиб борган. Саъди Махсум мактабининг яна бир характерли ва ижобий белгиси шундаки, шогирдларнинг профессионал ижроси тажриба, амалиёт, ахлоқ ва одоб тарбияси билан чамбарчас боғланган ҳолда олиб борилган. Шогирдлар биринчи кундан бошлабоқ устози билан бирга базмларга бориб аста-секин, эҳтиёткорлик билан томошаларга аралаша борган. Шунингдек, шогирдларга жамиятдаги барча табақаларнинг урф-одати, муносабати ва муомалалари ўргатилган. Шунинг учун ҳам, “... биз халқимизнинг маънавий камол топишида маданият намояндаларининг улкан хизматлари борлигини доимо миннатдорлик билан эътироф этамиз”².

Саъдий Махсумнинг бевосита раҳбарлигида анъанавий театр актёри ва режиссёри Юсуфжон қизиқ Шакаржонов (1868-1959) шаклланди. Ундан маҳорат

¹ Қаранг: Маннопов С., Шераев М. Ўзбек халқининг аския ва қизиқчилик санъати. –Фарғона.: 2019. –Б.31

² Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган баҳодир. –Т.: Ўзбекистон. 2 том. – Б. 181



технологиясини ўзлаштирди. Юсуфжон қизиқ Шакаржонов Фарғона анъанавий рақс санъатини ва бой ритм усулларини мукамал эгаллади.

Устози Саъди Махсумнинг вафотидан сўнг Марғилон труппасига раҳбарлик қилди. Труппада Мамажон Махсум Умрзақов, Сулаймон Қори Мирзамахмудов, Усмон Қори Раимбеков, Абдужалил Хожи каби актёрлар билан ижод қилди. Труппа репертуари ва Юсуфжон қизиқ Шакаржонов ўз репертуарида анъанавий танқид ва муқаллид аҳамиятли ўрин эгаллади. Спекталлар нафақат оддий тартибда балки цирк манежларида ҳам намойиш этила бошлади. Жумладан, "... ўзи тузган сайёр труппа билан Хитой, Эрон, Афғонистон, Қашқар, Овропада, Русияда бўлиб ўзбек халқ томоша санъатини тарғиб қилади"³.

Юсуфжон қизиқ Шакаржонов цирк дастурларининг ғоявий асосини чуқурлаштиришга алоҳида аҳамият қаратади ва ўзбек масхарабозлигига асос солади. Юсуфжон қизиқ эски асарлар мотивлари бўйича янги бир қатор комедияларнинг асосчиси бўлди. Унинг репертуаридан жой олган "Расмлар намойиши", "Мактаб", "Қашқар", "Настойчивий Судхўр" каби кўринишлар шулар жумласидандир.

Фарғонада машҳур қизиқчи Юсуфжон Шакаржонов билан доим бирга бўлган қизиқчилар Ака Бухор Зокиров, Теша қизиқ Раҳимов сингари халқ театрининг вакиллари тўғрисида ҳам қиматли фикрларни айтиш мумкин. Жумладан, Ака Бухор Зокиров мимикали ва кулгули ҳаракатлар устаси эди. Айниқса, "Дўппи мақташ", "Илмли ака ва илмсиз ука" каби митти ичакузди томошаларини шогирдлари билан дор ўйинлари орасида ижро этса-да, томошабинлар олқиши сазавор бўлган⁴.

Юсуфжон қизиқнинг ижодий ҳаёти, услуби, ташкилотчилик қобилияти, таъсир доираси, обрўйи халқ орасида жуда катта бўлган. Юсуфжон қизиқ ўтган аср меросини янги замон билан моҳирона пайванд қилиб яхши ҳосил ундирган атоқли маданият боғбонидир. Ўзбек санъатини ривожлантиришда унинг хизматлари катта. Шу ҳақда гап борар экан, биринчи галда қизиқнинг Ҳамза билан ижодий ҳамкорлигини тилга олиш мақсадга мувофиқдир.

Юсуфжон қизиқ Ҳамзанинг отаси Ҳаким табиб билан қадрдон ошна бўлиб, Ҳамзани болалигидан яхши билган. Ҳамзанинг фаолиятини кузатар экан, унга муҳаббати тобора ошиб боради. Юсуфжон қизиқ раҳбарлигидаги халқ хонанда ва созандалари ансамблининг Ҳамзанинг фронтга хизмат қилувчи труппасига қўшиб олинганидан кейин янада ривожланди. Ҳамза ундан, у Ҳамзадан ўрганди. Халқ руҳиясини, маданият ва санъатини пухта билган, бой ва серқирра ижодга, улкан маҳоратга эга бўлган Юсуфжон қизиқ Ҳамза учун хазинанинг худди ўзи эди, ундан меҳнаткашларга яқин ва тушунарли шакл, услуб ва тасвирий воситаларни топиб ишга солади.

Юсуфжон Шакаржонов Муҳиддин қори Ёқубов раҳбарлигидаги этнографик ансамблда ишлаган йилларида ўзбек халқ театр санъатини ривожлантиришга кўп ҳисса қўшди. Труппанинг дастлабки қадамларида унинг репертуарига Ҳамза қўшиқлари билан Юсуфжон қизиқнинг лапарлари асос бўлади. Халқ орасида айтилиб юрилган "Ойижон", "Билагузук", "Қора соч укам", "Ёр нималар девдим сизга", "Бозор

³ Маннопов С. Шераев М. Ўзбек халқининг аския ва қизиқчилик санъати. –Фарғона.: 2019. –Б. 26

⁴ Қаранг: Қўчкорбеков О. Кулгу дарғалари: Аскиячи ва қизиқчилар ҳақида. –Т.: 2005. –Б. 79



борайми, қизим”, “Воҳ-воҳ, тўрам”, “Қизгина” каби лапарларни саҳналаштириб, уларга янги ҳаёт бағишлашда Юсуфжон қизиқнинг алоҳида ўрни борлигини эътироф этиш керак. Мазкур кўшиқларни труппанинг артисткаси Тамарахонимга ўргатиб, у билан бирга ижро қилади. Бундан ташқари бу йилларда бир қатор халқ қизиқчиликларини саҳнага олиб чиқиб, янги кулки-ҳикоялар, муқаллидлар яратади.

Халқ театри қизиқлари фаолиятида асосий ўринни ишғол этиб келган кулки – ҳикоя ўзининг кўпгина хусусиятлари билан театр томошасидан фарқ қилмайди. Унда ҳам маълум бир ҳажвий сюжет, драматик ихтилоф, бир неча персонажнинг бир-бири билан муносабати ва тўқнашуви мавжуд, диалог ва монолог ҳукмрон. Кулки – ҳикоянинг танқид ва муқаллид томошаларидан фарқи фақат шундаки, у бир киши томонидан ижро этилади. Ички хусусиятларидан келиб чиқиб, кулки – ҳикояни драматик ҳикоя деб атаганмиз. Чунки уни биринчидан, оддий ҳикоялар қаторига сира кўшиб бўлмайди, иккинчидан, соф драма деб ҳисоблаш ҳам мумкин эмас.

Хулоса. Юқоридаги фикрлар Фарғона халқ театри ҳақидаги тушунча ва таассуротларимизни ҳийла кенгайтиради, бойитиб чуқурлаштиради. Халқ театри бўйича бугунги кунда олтин фондда тўпланган магнит, фото ва кино ленталари, қўлда ёзилган суҳбат ва текстлар театр санъати тарихини ўрганиш бўйича муҳим аҳамият касб этади.

XIX асрнинг бошида яшаган тарихчи мулла Қосим Ҳожи ўз эсдаликларида “Мударрис” комедиясининг текстини ёзиб қолдирган. Шунингдек, Н.П.Остроумов, Н.С.Ликошип, М.Алибеков, И.Ибрагимов сингари шарқшунос олимлар ва этнографлар 1870-1917 йиллар орасида Фарғона халқ театри томонидан ижро этилган “Мироб”, “Ҳожи кампир”, “Бола ўқитиш”, “Судхўрлик”, “Қозилик”. “Раис”, “Хотин туғдириш”, “Келин туширди”, “Кийик ўйин”, “Атторлик” каби бир қатор комедия ва муқаллидларнинг тафсилотини баён этиб, улар ҳақида қимматли маълумотларни қолдирганлар.

References:

1. Маннопов С., Шераев М. Ўзбек халқининг аския ва қизиқчилик санъати. – Фарғона.: 2019. –Б.31
2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган баҳодир. –Т.: Ўзбекистон. 2 том. –Б. 181.
3. Кўчкорбеков О. Кулгу дарғалари: Аскиячи ва қизиқчилар ҳақида. –Т.: 2005. –Б. 79.
4. Imyamin Kirgizov, Kirgizov Iqboljon Imyaminovich, Ahmadjon Nurmuhammedjanov, Sobirov Bahodirjon Sotvoldievich, Najmetdinova Mavludakhon Mamasodikovna, Ataboeva Shoxidakhon Juraevna //The Pleasure of Singing, Listening and Understanding Navoi// Annals of the Romanian Society for Cell Biology., ISSN:1583-6258, Vol. 25, Issue 3, 2021, Pages. 2410-2413.
5. Qambarov Abdumutal Axadjonovich, Najmetdinova Mavluda Mamasodiqovna //MARGILAN LARGE ASHULA SCHOOL// European Scholar Journal (ESJ). Vol. 2 № 5, MAY 2021. 279-283 pages.
6. Нажметдинова Мавлуда Мамасодиқовна //ОММАВИЙ-МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ИННОВАЦИОН ОМИЛЛАРИ// Oriental Renaissance: Innovative,



educational, natural and social sciences. VOLUME 2 | ISSUE 10/2. October 2022. 584-588 pages.

7. Najmetdinova, M. (2023). YOSHLAR AXLOQIY TARBIYASINI YUKSALTIRISHDA OMMAVIY-MADANIY TADBIRLARNING FALSAFIY TAHLILI. Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры, 3(6), 17-24.

8. Najmetdinova, M.M. (2023). YOSHLARNING ESTETIK TARBIYASINI SHAKLLANTIRISHDA-AJDODLAR MEROSINING TUTGAN O'RNI. *Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities*, 11(5), 1185-1191.

9. Нажметдинова, М., & Жўрабоева, Х. (2023). МАҚОМ САНЪАТИ ВА УНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ДУНЁҚАРАШИГА ТАЪСИРИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(2), 813-817.

10. Sharipova Odinakhon Shavkatjon kizi, Najmetdinova Maluda Mamasodikovna //ЎЗБЕК МУСИҚА САНЪАТИ ВА МАДАНИЯТИ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР// "Oriental Art and Culture" Scientific-Methodical Journal. Volume 3. Issue 1 / March 2022. 585-588 pages.

11. Нажметдинова Мавлуда Мамасодиқовна //ОММАВИЙ-МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ДУНЁҚАРАШИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ ЎРНИ// SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL. VOLUME 1. ISSUE 6. 282-287 pages.

12. Imyamin Kirgizov, Iqbol Kirgizov, Mavluda Najmetdinova, & Shohida Atabayeva. (2022). THE GENESIS OF THE DEVELOPMENT OF MUSIC CULTURE. *Archive of Conferences*, 57-60.

13. КАМБАРОВ АБДУМУТАЛ АХАДЖОНОВИЧ, НАЖМЕТДИНОВА МАВЛУДА МАМАСОДИКОВНА //НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ РЕЛИГИОЗНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В ФОРМИРОВАНИИ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ МОЛОДЕЖИ// УСЛОВИЯ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВА: ИСТОРИЯ И СОВРЕМЕННОСТЬ. Материалы международной научно-практической конференции. 26 апреля 2019 года. 148-151 стр.

14. Камбаров А.А. //Религиозные ценности – прочная основа в формировании гармоничной личности// *Вестник Северо-Восточного федерального университета им. М.К.Аммосова. Серия «Педагогика. Психология. Философия»*. 2022;(3):78-84.

15. Qambarov Abdumutal Ahadjonovich //TRANSFORMATION OF SCIENTIFIC AND RELIGIOUS VALUES THE NECESSITY OF EDUCATING AN ENLIGHTENED GENERATION THROUGH// *European Journal of Humanities and Educational Advancements (EJHEA)*. Vol. 2, No. 11, November 2021. 150-152 pages.

16. Қамбаров Абдумутал Аҳаджонович //ПОСТМОДЕРН ДУНЁДА ИЛМИЙ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА МУНОСАБАТ ҲАМДА УНИНГ ДИАЛЕКТИК АСОСЛАРИ// НамДУ илмий ахборотномаси. 2020 йил, 9-сон. 158-165

17. Kambarov Abdumutal Ahadjonovich //ATTITUDE TO SCIENTIFIC AND RELIGIOUS VALUES IN THE POSTMODERN WORLD AND ITS DIALECTICAL FOUNDATIONS// *Scientific Bulletin of Namangan State University: Vol. 2: Iss. 9, Article 27*. 158-165

18. Sultonali Mannopov, Mavluda Najmetdinova, Shokhida Ataboeva, Iroda Nazarova, Jamoldin Mo'ydinov //Analysis of Research on Aesthetic Features of Uzbek Folk Music// *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI)*. Volume 12, Issue 10, October 2021. 3528-3533 pages.